

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
HUZURIDAGI FARMATSEVIKA TARMOG'INI  
RIVOJLANTIRISH AGENTLIGINING  
«DORI VOSITALARI, TIBBIY BUYUMLAR VA  
TIBBIY TEXNIKA EKSPERTIZASI VA  
STANDARTLASHTIRISH DAVLAT MARKAZI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI



«STATE CENTRE OF EXPERTIZE AND  
STANDARDIZATION OF MEDICINES, MEDICAL  
DEVICES AND MEDICAL EQUIPMENT»  
STATE UNITARY ENTERPRISE  
OF THE AGENCY ON DEVELOPMENT OF  
PHARMACEUTICAL INDUSTRY OF PUBLIC  
HEALTH MINISTRY OF THE REPUBLIC  
OF UZBEKISTAN

100002, Toshkent sh., Olmazor tumani  
Ozod ko'chasi,  
K.Umarov tor ko'chasi, 16 uy

Ozod str., K.Umarov passage. 16.  
Almazar district  
Tashkent, 100002, Uzbekistan

Phone: (99871) 242 48 93, 249 47 93, fax (99871) 242 48 25  
E-mail: farmkomitet@minzdrav.uz

24.12.19 №29/09 - 4944

## Барча манфаатдор томонларга

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 апрелдаги “Ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4297 Қарори билан Ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида “Ягона дарча” божхона ахборот тизимини (БАТ) жорий этиш белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ушбу қарорнинг 5-банди билан 2020 йил 1 январдан бошлаб товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувида, шунингдек, импорт қилинадиган товарларга мувофиқлик сертификатини беришда - халқаро шартномаларда махсус қоғоз бланкаларда расмийлаштиришни талаб қиладиган ҳужжатлардан ташқари, ваколатли органлар томонидан қоғоз шаклида бериладиган рухсат берувчи характерга эга ҳужжатларнинг асли ва нусхаларини ташки иқтисодий фаолият иштирокчиларидан талаб қилиб олиш тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, жорий йилнинг 7 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Ягона дарча” божхона ахборот тизимини (БАТ) 2020 йил 1 январдан тўлиқ ишга тушириш бўйича топширик берилди.

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш органларини ҳам “Ягона дарча” божхона ахборот тизими (БАТ)га уланиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси ва “Ўзстандарт” агентлиги билан ишлар олиб борилди.

Ташки иқтисодий фаолият субъектлари Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш органларига [www.singlewindow.uz](http://www.singlewindow.uz) сайти орқали электрон тарзда тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш юзасидан буюртмалар ва тегишли ҳужжатларни тақдим этишлари сўралади.

Директор

Ижрочи: О.Садиллоев  
тел: (71)2494668

Ш.Х.Абдуганиев